

XIII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ


Республиканинг ташқи савдо айланмаси 2019 йилнинг январь-сентябрда 31 645,8 млн. АҚШ долларини, жумладан экспорт – 13 677,0 млн. АҚШ долларини, импорт – 17 968,8 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Ташқи савдо сальдоси – минус 4 291,7 млн. АҚШ долларини, шу жумладан МДХ давлатлари билан минус 1368,0 млн. АҚШ долларини ва бошқа давлатлар билан минус 2 923,8 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Республиканинг ташқи савдо айланмаси (2019 йил январь-сентябрь)

	<i>Млн. АҚШ доллари</i>	<i>2018 йилнинг январь-сентябрга нисбатан % да</i>	<i>Жамига нисбатан % да</i>
Ташқи савдо айланмаси	31645,8	137,2	100,0
МДХ давлатлари	10703,0	120,2	33,8
бошқа давлатлар	20942,8	147,8	66,2
Экспорт	13677,0	145,5	100,0
МДХ давлатлари	4667,5	126,2	34,1
бошқа давлатлар	9009,5	158,0	65,9
Импорт	17968,8	131,5	100,0
МДХ давлатлари	6035,5	116,0	33,6
бошқа давлатлар	11933,3	141,0	66,4
Сальдо	-4291,7	x	x
МДХ давлатлари	-1368,0	x	x
бошқа давлатлар	-2923,8	x	x

Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмасида МДХ мамлакатлари ва бошқа хорижий давлатларнинг ҳажмлари динамикаси



МДХ мамлакатлари орасида асосий ташқи савдо ҳамкорлари - Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон ва Украина бўлиб, ташқи савдо айланмасининг 29,3 % ни ташкил этади.

Бошқа мамлакатлар қаторида Хитой, Корея Республикаси, Туркия, Германия, АҚШ, Афғонистон, Литва, Япония, Италия, Эрон, Латвия, Ҳиндистон ва Франция умумий ташқи савдо айланмасининг 43,1% ини ташкил этади.

Республика ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича тақсимланиши (2019 йил январь-сентябрь)

(млн. АҚШ доллари)

	Экспорт	Импорт	Ташқи савдо айланмаси	
			2018 йилнинг январь-сентябрга нисбатан % да	Жамига нисбатан % да
Жами ¹⁾	13677,0	17968,8	137,2	100,0
<i>шу жумладан:</i>				
Европа	6468,6	6026,5	143,0	39,5
Осиё	6124,3	9970,5	134,3	50,9
Америка	25,2	711,0	193,5	2,3
Африка	13,8	19,0	157,8	0,1
Австралия ва Океания	0,4	2,8	238,8	0,0

¹⁾ Тақсимланмаган маълумотларни қўшиган ҳолда.

Республиканинг ташқи савдо операциялари асосан Осиё (умумий товар айланмасининг 50,9%), Европа (39,5%) мамлакатлари хиссасига тўғри келиб, умумий айланмасининг 90,4% ини ташкил этади

**Ўзбекистон Республикасининг йирик ҳамкор-давлатлар
билан ташқи савдо айланмаси динамикаси**
(январь-сентябрь)

(млн.АҚШ.доллари)

<i>Давлатлар</i>	<i>2017 й.</i>	<i>2018 й.</i>	<i>2019 й.</i>
Хитой Халқ Республикаси	3426,5	4446,7	5911,1
экспорт	1421,1	1958,7	2245,5
импорт	2005,4	2488,0	3665,6
сальдо	-584,3	-529,3	-1420,1
Россия Федерацияси	3479,4	4180,4	4704,5
экспорт	1534,6	1536,3	1794,9
импорт	1944,7	2644,1	2909,6
сальдо	-410,1	-1107,8	-1114,7
Қозоғистон	1477,0	2141,7	2637,6
экспорт	758,2	1044,4	1156,5
импорт	718,7	1097,3	1481,2
сальдо	39,5	-52,9	-324,7
Корея Республикаси	961,8	1289,0	2080,7
экспорт	81,2	68,5	75,0
импорт	880,6	1220,5	2005,7
сальдо	-799,5	-1151,9	-1930,8
Туркия	1085,8	1520,4	1840,5
экспорт	620,6	619,7	878,1
импорт	465,3	900,7	962,4
сальдо	155,3	-281,1	-84,3
Германия	466,2	524,5	744,0
экспорт	19,2	31,8	36,8
импорт	447,1	492,7	707,2
сальдо	-427,9	-460,9	-670,3

<i>Давлатлар</i>	<i>2017 й.</i>	<i>2018 й.</i>	<i>2019 й.</i>
Қирғизистон	196,4	284,4	638,8
экспорт	138,0	184,7	531,3
импорт	58,5	99,7	107,5
сальдо	79,5	84,9	423,7
АҚШ	169,3	331,8	514,0
экспорт	15,1	22,8	20,1
импорт	154,2	309,0	493,9
сальдо	-139,1	-286,2	-473,7
Афғонистон	427,2	474,7	427,8
экспорт	425,4	473,3	426,0
импорт	1,8	1,4	1,8
сальдо	423,6	471,9	424,2
Туркменистон	134,6	157,3	401,9
экспорт	56,3	31,6	69,2
импорт	78,3	125,8	332,7
сальдо	-22,1	-94,2	-263,5
Литва	191,8	198,4	362,1
экспорт	4,2	7,3	17,0
импорт	187,6	191,1	345,1
сальдо	-183,4	-183,8	-328,1
Тожикистон	178,3	285,5	357,6
экспорт	137,2	165,9	230,8
импорт	41,1	119,6	126,8
сальдо	96,1	46,3	104,0
Япония	120,7	313,7	329,0
экспорт	10,2	10,0	23,8
импорт	110,5	303,7	305,2
сальдо	-100,3	-293,8	-281,5


<i>Давлатлар</i>	<i>2017 й.</i>	<i>2018 й.</i>	<i>2019 й.</i>
Италия	132,4	206,5	320,9
экспорт	12,2	17,0	19,7
импорт	120,2	189,4	301,2
сальдо	-108,0	-172,4	-281,5
Эрон	203,2	228,8	303,9
экспорт	162,5	136,2	155,0
импорт	40,7	92,6	148,9
сальдо	121,9	43,6	6,1
Латвия	205,7	338,0	297,4
экспорт	57,8	31,2	37,9
импорт	147,9	306,8	259,5
сальдо	-90,0	-275,7	-221,6
Украина	191,1	325,9	282,4
экспорт	71,1	74,4	94,1
импорт	120,0	251,6	188,3
сальдо	-48,8	-177,2	-94,2
Ҳиндистон	266,8	203,5	264,2
экспорт	26,5	17,7	17,4
импорт	240,3	185,8	246,8
сальдо	-213,8	-168,1	-229,4
Беларусь	110,9	278,5	260,7
экспорт	18,1	27,4	33,7
импорт	92,8	251,2	227,0
сальдо	-74,7	-223,8	-193,3
Франция	193,6	225,2	257,1
экспорт	105,6	136,2	150,6
импорт	88,1	89,0	106,5
сальдо	17,5	47,2	44,0

Ўзбекистон Республикаси билан ташқи савдо айланмаси энг юқори бўлган давлатлар

(январь-сентябрь 2019 й., млн. АҚШ доллари, улуши %)

**Хитой Халқ
Республикаси**

ТСА - 5911,1
Экспорт - 2245,5
Импорт - 3665,6



**Россия
Федерацияси**

ТСА - 4704,5
Экспорт - 1794,9
Импорт - 2909,6



Қозоғистон

ТСА - 2637,6
Экспорт - 1156,5
Импорт - 1481,2



**Корея
Республикаси**

ТСА - 2080,7
Экспорт - 75,0
Импорт - 2005,7



Туркия

ТСА - 1840,5
Экспорт - 878,1
Импорт - 962,4



Германия

ТСА - 744,0
Экспорт - 36,8
Импорт - 707,2



Қирғизистон

ТСА - 638,8
Экспорт - 531,3
Импорт - 107,5



АҚШ

ТСА - 514,0
Экспорт - 20,1
Импорт - 493,9



Афғонистон

ТСА - 427,8
Экспорт - 426,0
Импорт - 1,8



Туркменистон

ТСА - 401,9
Экспорт - 69,2
Импорт - 332,7



Республикада жорий йилнинг 3 чорагида амалга оширилган ташқи савдо айланмаси 11 962,6 млн. АҚШ долларини ташкил қилиб 2 чорак билан таққослаганда 16,4 % га ўсганлиги кузатилмоқда.

2019 йилнинг 2 чораги билан солиштирганда ташқи савдо айланмаси умумий ҳажмида импорт улушининг камайиши (58,1% дан 56,2 % га), экспорт улушининг эса кўпайиши (41,9 % дан 43,8 % га) кузатилди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмасининг чораклик динамикаси

(чорак, млн. АҚШ доллари, улуши %)




Бугунги кунда халқаро савдо мамлакатимиз иқтисодий фаолиятининг фундаментал қисми бўлиб ҳисобланади. Бу борада давом эттирилаётган ислохатлар товар ва хизматлар бозоримизни кенгайтиришга имкон бермоқда. Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятда ва нуфузли халқаро ташкилотлар аъзолигида ўзининг мустақил овозига эга давлатга айланди. Дунёнинг саноати ривожланган давлатлари билан сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатилди.

Ўрнатилган савдо муносабатлари натижасида республикада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорти ошишига туртки бўлмоқда ва ўз навбатида мамлакатни ривожланган давлатлар қаторида бўлишига имкон бермоқда.

Товарлар ва хизматлар экспорти таркиби

(январь-сентябрь, млн. АҚШ доллари)



2019 йилнинг январь-сентябрь ойлари якуни бўйича товарлар экспорти билан шуғулланувчи корхоналар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1074 тага кўпайиб, 5135 тага етди.

2019 йил январь-сентябрь ойида экспорт ҳажми 13 677,0 млн. АҚШ долларга (ўсиш суръати 45,5 %) тенг бўлди. Экспорт таркибида товарлар 81,4 % улушга эга бўлиб, булар асосан энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари (16,1 %), тўқимачилик ва тўқимачилик буюмлари (8,6 %), озиқ-овқат маҳсулотлари (8,4 %), рангли металллар ва ундан тайёрланган буюмлар (5,2 %) ҳамда кимёвий маҳсулотлар ва ундан тайёрланган буюмлар (4,9 %) ҳиссасига тўғри келмоқда.

2019 йилнинг январь-сентябрь ойида экспорт қилинган товарлар ва хизматлар таркибининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, товарлар ва хизматлар таркибида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сезиларли ўзгаришлар қайд этилмади, бироқ шуни таъкидлаш жоизки, 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, кимё маҳсулотлари ва буюмларидан ташқари товар ва хизматлар таркиби турларини экспорт қилиш ҳажмларининг ўсиши кузатилди.

МДХ ва бошқа давлатларга экспорт таркиби
(2019 йил январь-сентябрь)

Таркиби	Жами			МДХ давлатлари			Бошқа давлатлар		
	млн. АҚШ. долл.	ўтган йилга нисбатан, %	жамига нисбатан, %	млн. АҚШ. долл.	ўтган йилга нисбатан, %	жамига нисбатан, %	млн. АҚШ. долл.	ўтган йилга нисбатан, %	жамига нисбатан, %
Жами экспорт	13677,0	145,5	100,0	4667,5	126,2	100,0	9009,5	158,0	100,0
Пахта толаси	238,7	138,0	1,7	1,0	33,4	0,0	237,7	139,9	2,6
Озиқ-овқат маҳсулотлари	1149,9	139,9	8,4	768,5	138,9	16,5	381,4	142,0	4,2
Кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	675,2	98,0	4,9	311,1	111,3	6,7	364,1	89,0	4,0
Энергия манбаалари ва нефть маҳсулотлари	2204,6	114,8	16,1	1054,9	116,2	22,6	1149,7	113,4	12,8
Қора металллар	228,2	154,3	1,7	73,1	2,6 м.	1,6	155,0	129,0	1,7
Рангли металллар	706,6	144,9	5,2	125,2	195,2	2,7	581,4	137,3	6,5
Машина ва асбоб-ускуналар	317,0	2,2 м.	2,3	224,5	2,1 м.	4,8	92,4	2,3 м.	1,0
Тўқимачилик маҳсулотлари	1174,9	121,4	8,6	604,2	114,9	12,9	570,7	129,0	6,3
Олтин	3983,0	2,6 м.	29,1	-	-	-	3983,0	2,6 м.	44,2
Хизматлар	2544,8	112,7	18,6	1287,0	113,6	27,6	1257,8	111,9	14,0
Бошқалар	454,1	197,0	3,4	217,8	2,2 м.	4,6	236,3	177,5	2,7

**Ўзбекистон Республикасининг асосий ҳамкор
давлатларига амалга оширилган экспорт ҳажми
(январь-сентябрь)**


<i>Давлат номи</i>	<i>Млн. АҚШ доллари</i>		<i>Ўсиш суръати, %</i>		<i>Ўрни</i>	
	<i>2018 й.</i>	<i>2019 й.</i>	<i>2018 й.</i>	<i>2019 й.</i>	<i>2018 й.</i>	<i>2019 й.</i>
Хитой Халқ Республикаси	1958,7	2245,5	137,8	114,6	1	1
Россия Федерацияси	1536,3	1794,9	100,1	116,8	2	2
Қозоғистон	1044,4	1156,5	137,7	110,7	3	3
Туркия	619,7	878,1	99,9	141,7	4	4
Қирғизистон	184,7	531,3	133,9	2,9 м.	6	5
Афғонистон	473,3	426,0	111,3	90,0	5	6
Тожикистон	165,9	230,8	121,0	139,1	7	7
Эрон	136,2	155,0	83,8	113,8	8	8
Франция	136,2	150,6	129,0	110,5	9	9
Бирлашган Араб Амирликлари (БАА)	36,8	100,1	120,9	2,7 м.	13	10
Украина	74,4	94,1	104,5	126,6	10	11
Корея Республикаси	68,5	75,0	84,5	109,4	11	12
Туркменистон	31,6	69,2	56,1	2,2 м.	16	13
Покистон	22,3	64,3	4,7 б.	2,9 м.	24	14
Буюк Британия	31,3	57,4	100,5	183,5	17	15
Латвия	31,2	37,9	53,9	121,7	18	16
Германия	31,8	36,8	166,1	115,8	15	17
Беларус Республикаси	27,4	33,7	151,3	123,2	20	18
Озарбайжон	22,0	32,9	142,4	149,7	25	19
Польша	29,2	31,4	116,4	107,7	19	20

Экспорт таркиби динамикаси
(январь-сентябрь, млн. АҚШ долл.)

<i>Таркиби</i>	<i>2017 й.</i>	<i>2018 й.</i>	<i>2019 й.</i>
Пахта толаси	272,4	173,0	238,7
Озиқ-овқат маҳсулотлари	589,6	821,8	1149,9
Кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	646,5	688,7	675,2
Энергия манбаалари ва нефть маҳсулотлари	1169,9	1921,0	2204,6
Қора металллар	116,5	147,9	228,2
Рангли металллар	527,6	487,6	706,6
Машина ва асбоб-ускуналар	251,9	145,8	317,0
Тўқимачилик маҳсулотлари	843,2	968,2	1174,9
Олтин	2836,4	1558,1	3983,0
Хизматлар	1852,1	2257,3	2544,8
Бошқалар	298,7	230,5	454,1

МДХ ва бошқа давлатларга товар экспорти ҳажмлари динамикаси


(январь-сентябрь, млн. АҚШ доллари, улуши %)



МДХ мамлакатлари билан анъанавий савдо муносабатлари, шу билан бир қаторда, ташқи савдони ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши туфайли, МДХга аъзо давлатлар билан ташқи савдо айланмасининг улуши 2019 йил январь-сентябрь ойларида 33,8% (10703,0 млн. АҚШ доллари), ўсиш суръати ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 120,2% ни ташкил этди.

Бошқа хорижий шериклар билан ҳам жорий савдо алоқалари ривожланишда давом этмоқда. Жумладан, 2019 йил январь-сентябрь ойларида ташқи савдо айланмасидаги улуши 66,2 % ни (20 942,8 млн. АҚШ доллари), ташқи савдо айланмасининг ўсиш суръати эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 147,8% ни ташкил этди.

Республика экспортида асосий ҳамкор давлатларнинг улуши




Экспорт қилинаётган товар ва хизматларнинг асосий қисми Хитой (экспорт умумий ҳажмининг 16,4 %), Россия (13,1 %), Қозоғистон (8,5 %), Туркия (6,4 %), Қирғизистон (3,9%), Афғонистон (3,1%) ва Тожикистон (1,7%) ҳиссасига тўғри келади.

Ушбу мамлакатларга экспорт қилинаётган товарлар таркибига асосан энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари, кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари киради.

Хизматлар экспорти ҳажми 2544,8 млн. АҚШ долларини ёки жами экспорт ҳажмининг 18,6 % ини ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12,7 % га ўсганлиги кузатилди. Хизматлар экспорти таркибининг асосий улуши транспорт хизматлари, туризм хизматлари, телекоммуникация, компьютер ва ахборот хизматлари ҳамда молиявий хизматлар ҳиссасига тўғри келади.

Хизматлар экспорти таркиби (январь-сентябрь, улуши %)




Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти

2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида жами 1 031,7 минг тоннадан зиёд мева-сабзавот маҳсулотлари 959,3 млн. АҚШ долларига экспорт қилинди (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мос равишда ўсиш суръати – 116,6 % ва 146,4 %).

Шундан, 612,8 минг тонна 449,2 млн. АҚШ долларга тенг қийматда сабзавотлар, шунингдек 418,9 минг тонна мева ва резаворлар 510,1 млн. АҚШ долларига экспорт қилинган (қийматдаги экспорт ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш мос равишда 189,5 ва 122 % ташкил этди).

Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти (январь-сентябрь, 2019 й.)



Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ва боғдорчиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганлиги сабабли, экспорт қилинаётган товарлар сифати ва ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Жумладан, 2019 йил январь-сентябрь ойларида мева ва сабзавотларнинг умумий экспортдаги улуши 7,0% ни ташкил этди.

Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорти географияси

Давлат номи	2018 йил январь-сентябрь			2019 йил январь-сентябрь		
	минг т	млн. АҚШ доллари	улуши, %	минг т	млн. АҚШ доллари	улуши, %
Қирғизистон	69,4	60,0	9,2	96,7	286,3	29,8
Қозоғистон	449,4	318,0	48,5	419,2	222,5	23,2
Россия Федерацияси	168,6	119,5	18,2	193,1	120,7	12,6
Туркия	15,0	16,6	2,5	54,3	91,0	9,5
Покистон	18,2	14,2	2,2	26,6	53,1	5,5
Афғонистон	52,7	38,7	5,9	27,9	44,1	4,6
Украина	7,7	5,3	0,8	50,7	33,4	3,5
Хитой Халқ Республикаси	32,1	22,9	3,5	31,9	28,7	3,0
Эрон	9,1	7,3	1,1	13,4	10,3	1,1
Тожикистон	3,5	1,8	0,3	14,6	9,8	1,0
Ироқ	3,7	4,0	0,6	14,8	8,6	0,9
Беларусь	4,7	4,6	0,7	10,7	6,7	0,7
Германия	1,8	3,4	0,5	2,3	4,7	0,5
Озарбайжон	2,4	2,6	0,4	4,2	4,6	0,5
Туркманистон	3,8	2,1	0,3	14,4	4,2	0,4
Польша	0,2	0,3	0,0	8,2	3,3	0,3
Бошқалар	42,0	33,7	5,3	48,7	27,1	2,9

Тўқимачилик маҳсулотлари экспорти
(2019 йил январь-сентябрь)

2019 йилнинг ўтган даври мобайнида 1 174,9 млн. АҚШ доллари миқдориди тўқимачилик маҳсулотлари экспорти амалга оширилди. Бу кўрсаткич 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 21,4 % га ўсиб, умумий экспорт ҳажмининг 8,6 % ини ташкил қилди. Экспорт қилинган тўқимачилик маҳсулотлари таркибидан пахтадан йигирилган ип (56,3 %), тайёр тўқима матолар ва тикувчилик кийимлари (23,1 %) асосий улушни эгаллаган. Йил бошидан 384 турдан ортиқ маҳсулотлар дунёнинг 56 та давлатига экспорт қилинди.

Тўқимачилик маҳсулотлари экспорти динамикаси
(январь-сентябрь, млн. АҚШ доллари)

<i>Таркиби</i>	<i>2017 й.</i>	<i>2018 й.</i>	<i>2019 й.</i>
Пахтадан йигирилган ип	463,1	554,7	661,1
Тайёр кийимлар	212,8	216,7	270,8
Нақшли матолар	38,7	49,1	64,3
Пахтадан газламалар	40,7	46,5	50,5
Бошқа тўқимачилик маҳсулотлари	23,6	25,8	35,7
Ипак ва ипак маҳсулотлари	16,5	28,3	44,0
Гидамлар	22,7	21,9	21,7
Пахта маҳсулотлари	19,5	18,8	20,5

Республиканинг тўқимачилик саноатини диверсификация қилиш ва тайёр маҳсулотлар экспортини рағбатлантириш борасидаги амалий ишлар натижасида мамлакатимизнинг ушбу соҳадаги салоҳияти ошиб бормоқда.

Тўқимачилик маҳсулотлари экспорти динамикаси

(январь-сентябрь, млн. АҚШ доллари)

Таркиби	2017 й.	2018 й.	2019 й.
Россия	394,4	408,5	443,0
Хитой Халқ Республикаси	153,4	241,7	316,7
Туркия	82,0	94,9	131,2
Қирғизистон	41,6	47,0	70,8
Эрон	18,7	16,6	35,9
Қозоғистон	36,1	31,1	30,2
Украина	9,3	13,8	19,9
Польша	15,3	17,2	18,6
Беларусь	12,3	16,1	17,7
Тожикистон	4,1	2,0	9,3
Миср	0,8	2,1	9,1
Бангладеш	13,3	15,2	8,6
Италия	2,6	4,9	8,5
Озарбайжон	2,5	3,9	7,5
Покистан	0,5	4,4	6,3
Германия	2,2	3,2	6,2
Корея Республикаси	19,8	6,9	5,0
Молдова	2,1	2,3	4,5
Вьетнам	5,5	3,7	3,7
Афғонистон	4,7	5,2	3,5

Тўқимачилик маҳсулотларининг энг катта улуши Россия Федерацияси (443,0 млн. АҚШ доллари), Хитой (316,7 млн. АҚШ доллари) ва Туркия (131,2 млн. АҚШ доллари) хиссасига тўғри келади.

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойида импорт ҳажми 17 968,8 млн. АҚШ долларига (ўсиш суръати 31,5 %) тенг бўлди. Импорт таркибида энг катта улуш машина ва асбоб ускуналар ҳамда уларнинг қисмлари (44,8 %), кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар (12,7 %) ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари (7,5 %) ҳисобига тўғри келди.

Импорт таркиби
(2019 йил январь-сентябрь)

	Млн. АҚШ долл.	2018 й. январь–сентябрга нисбатан % да	Жамига нисбатан % да
Импорт	17 968,8	131,5	100,0
Озиқ-овқат маҳсулотлари	1 356,4	113,9	7,5
Кимё маҳсулотлари ва буюмлари	2 278,3	126,7	12,7
Энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	657,5	101,1	3,7
Қора металллар ва улардан тайёрланган буюмлар	1 354,3	116,3	7,5
Рангли металллар ва улардан тайёрланган буюмлар	182,7	124,5	1,0
Машина ва асбоб-ускуналар	8 056,7	144,4	44,8
Хизматлар	1 801,2	108,7	10,0
Бошқалар	2 281,7	154,2	12,7


Товар ва хизматлар импорти динамикаси таҳлилига кўра, 2019 йилнинг январь-сентябрь ойи мобайнида импорт қилинган товарлар ҳажми, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 4 156,3 млн. АҚШ долларига кўп импорт қилинди ва 16 167,6 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Хизматлар импорти эса 1 801,2 млн. АҚШ долларга этган.

Импорт таркиби динамикаси
(январь-сентябрь, млн.АҚШ доллари)

Таркиби	2017 й.	2018 й.	2019 й.
Озиқ-овқат маҳсулотлари	979,0	1190,9	1356,4
Кимё маҳсулотлари ва буюмлари	1644,9	1797,6	2278,3
Энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	500,0	650,3	657,5
Қора металллар	841,1	1164,7	1354,3
Рангли металллар	107,3	146,8	182,7
Машина ва асбоб-ускуналар	3712,1	5581,0	8056,7
Хизматлар	1363,9	1657,6	1801,2
Бошқалар	1109,7	1480,0	2281,7

Товар ва хизматлар импорти таркиби


(январь-сентябрь, млн. АҚШ доллари)



2019 йил январь-сентябрь ойларида импорт қилинган товарлар ва хизматлар таркиби таҳлили шуни кўрсатдики, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан машина ва асбоб-ускуналар ҳамда уларнинг қисмлари импортининг улуши 40,8 % дан 44,8 % гача ўсди, озиқ-овқат маҳсулотлари импортининг улуши эса 8,7 % дан 7,5 % га камайди.

МДХ ва бошқа хорижий давлатлардан товар импорти ҳажмлари динамикаси

(январь-сентябрь, млн. АҚШ доллари, улуши %)



МДХ ва бошқа давлатлар билан амалга оширилган импорт таркиби (2019 йил январь-сентябрь)

Таркиби	Жами			МДХ давлатлари			Бошқа давлатлар		
	млн. АҚШ долл.	Ўтган йилга нисбатан, %	Жамига нисбатан %	млн. АҚШ долл.	Ўтган йилга нисбатан, %	Жамига нисбатан %	млн. АҚШ долл.	Ўтган йилга нисбатан, %	Жамига нисбатан %
Импорт	17968,8	131,5	100,0	6035,5	116,0	100,0	11933,3	141,0	100,0
Озиқ-овқат маҳсулотлари	1356,4	113,9	7,5	893,3	101,6	14,8	463,1	148,8	3,9
Кимё маҳсулотлари ва буюмлари	2278,3	126,7	12,7	479,2	138,6	7,9	1799,1	123,9	15,1
Энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	657,5	101,1	3,7	625,0	100,5	10,4	32,6	115,0	0,3
Қора металллар	1354,3	116,3	7,5	881,1	111,0	14,6	473,2	127,5	4,0
Рангли металллар	182,7	124,5	1,0	120,8	110,5	2,0	61,9	165,3	0,5

Таркиби	Жами			МДХ давлатлари			Бошқа давлатлар		
	млн. АҚШ долл.	Ўтган йилга нисбатан, %	Жамига нисбатан %	млн. АҚШ долл.	Ўтган йилга нисбатан, %	Жамига нисбатан %	млн. АҚШ долл.	Ўтган йилга нисбатан, %	Жамига нисбатан %
Машина ва асбоб-ускуналар	8056,7	144,4	44,8	941,5	120,7	15,6	7115,2	148,2	59,6
Хизматлар	1801,2	108,7	10,0	793,8	107,8	13,2	1007,4	109,3	8,4
Бошқалар	2281,7	154,2	12,8	1300,9	138,9	21,5	980,8	180,5	8,2

2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида республикага 153 дан ортиқ хорижий давлатлардан товар ва хизматлар импорти амалга оширилган.

Республика импортида асосий ҳамкор давлатларнинг улуши


(январь-сентябрь)



Шулардан, 7 та энг йирик бўлган Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Корея Республикаси, Қозоғистон, Туркия, Германия ва АҚШ ҳамкор давлатларидан жами импорт ҳажми 12 225,6 млн. АҚШ долларига тенг. Бу эса умумий импорт ҳажмининг 68,0 % ини ташкил қилади.

Хизматлар импорти таркиби

(январь-сентябрь, улуши %)



Хизматлар импорти ҳажми 1 801,2 млн. АҚШ долларини ёки жами импорт ҳажмининг 10,0 % ини ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,7 % га камайди. Хизматлар импорти таркибининг асосий улуши туризм хизматлари, транспорт хизматлари, телекоммуникация, компьютер ва ахборот хизматлари ҳамда молиявий хизматларидан иборат бўлди.

Қурилиш материаллари импорти (2019 йил январь-сентябрь)

2019 йилнинг январь-сентябрь ойи мобайнида 1 004,4 млн. АҚШ доллари миқдоридида қурилиш материаллари импорти ҳажми амалга оширилди. Бу кўрсаткич 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 17,0 % га ўсиб, умумий импорт ҳажмининг 5,6 %ни ташкил қилди.

Импорт қилинган қурилиш материаллари таркибидан ёғоч ва ёғоч маҳсулотлари (46,1 %), цемент (13,4 %), шиша ва шиша буюмлар (4,8 %) ҳамда асбест (2,5 %) асосий улушни эгаллаган.

Қурилиш материаллари импорти

(январь-сентябрь, 2019 й.)

Қурилиш материаллари импорти

импорт ҳажми 1004,4 млн. АҚШ доллари
жами импорт таркибидаги улуши 5,6 %



Ёғоч ва ёғоч маҳсулотлари

импорт ҳажми 463,5 млн. АҚШ доллари
жами импорт таркибидаги улуши 46,1 %



Цемент

импорт ҳажми 135,0 млн. АҚШ доллари
жами импорт таркибидаги улуши 13,4 %



Шиша ва шиша маҳсулотлари

импорт ҳажми 48,1 млн. АҚШ доллари
жами импорт таркибидаги улуши 4,8 %



Асбест

импорт ҳажми 25,3 млн. АҚШ доллари
жами импорт таркибидаги улуши 2,5 %



Юқоридаги инфографикадан кўриниб турибдики, 2019 йилнинг январь-сентябрь ойида қурилиш материаллари импорт ҳажми 2018 йилнинг мос даврига нисбатан сезиларли даражада ошган.

Қурилиш материаллари импорти ҳажмининг ўсишига юртимизда олиб борилаётган бунёдкорлик, хусусан, кенг кўламдаги қурилиш-реконструкция ишларини амалга оширилиши сабаб бўлмоқда.

Импорт таркибида асосий улушни ташкил қилаётган машина ва асбоб-ускуналар ҳамда кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар асосан қайси давлатлардан республикамизга олиб кирилаётганлиги қуйидаги жадваллардан кўриш мумкин.

Машина ва асбоб-ускуналар импорт қилинган асосий ҳамкор давлатлар

(январь-сентябрь, 2019 й.)




💰 млн. АҚШ доллари 📊 ўсиш суръати 📈 улуши, %

2019 йил январь-сентябрь ойлари натижаларига кўра импорт таркибида машина ва асбоб-ускуналар 8056,7 млн. доллarnи (умумий импортдаги улуши 44,8%) ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 44,4% га ортди.

Кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар импорт қилинган асосий ҳамкор давлатлар

(январь-сентябрь, 2019 й.)



💰 млн. АҚШ доллари 📊 ўсиш суръати 📈 улуши, %

2019 йил январь-сентябрь ойлари натижаларига кўра импорт таркибида кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар 2 278,3 млн. АҚШ долларини (умумий импортдаги улуши 12,7%) ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 26,7% га ортди.

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

товар – ҳар қандай кўчма мулк, шу жумладан валюта ва валюта қимматликлари, электр, иссиқлик ва бошқа энергия турлари, транспорт воситалари (йўловчилар ва товарлар ташиш учун ишлатиладиган транспорт воситалари, шу жумладан контейнерлар ва бошқа транспорт ускуналари бундан мустасно), интеллектуал мулк объектлари;

товарлар экспорти – агар қонунчиликда бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса, товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан қайтариб олиб кириш мажбуриятисиз олиб чиқиш;

реэкспорт – хорижий товарлар божхона ҳудудидан олиб чиқиладиган божхона режими;

товарлар импорти – товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан қайтариб олиб чиқиш мажбуриятисиз олиб кириш;

реимпорт – божхона ҳудудидан экспорт режимида олиб чиқилган Ўзбекистон Республикаси товарлари Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига кўрсатилган муддатда (олиб чиқилган пайтдан бошлаб ўн йил ичида) қайтариб олиб кириладиган режим;

ташқи савдо айланмаси – мамлакатнинг муайян даврдаги экспорт ва импорт қийматлари суммаси;

товарлар келиб чиққан мамлакат – товар тўлиқ ишлаб чиқарилган ёки етарли даражада қайта ишлов берилган мамлакат (товар етарли даражада қайта ишлов берилган мамлакат “Божхона тарифи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 26 - моддасига асосан аниқланади);

товарларнинг белгиланган манзили – юклаб жўнатиш пайтида товар етказиб берилиши белгиланган мамлакат сифатида маълум бўлган мамлакат;

товарларнинг статистик қиймати – шартнома валютасидан қатъий назар ягона базисга келтирилган шартнома бўйича товарлар қиймати;

СИФ (қиймат, суғурталаш, фрахт) – товарларни сотиш шарти бўлиб, унга кўра товар нархига унинг қиймати ва товарни суғурталаш ҳамда импорт қилувчи мамлакат портигача етказиб бериш харажатлари киритилади;

СИП (фрахт/ташиш ва суғурталаш) – товарларни сотиш шарти бўлиб, унга кўра товар нархига унинг қиймати ва товарни суғурталаш ҳамда импорт қилувчи мамлакатнинг чегарасидаги белгиланган жойгача етказиб бериш харажатлари киритилади;

ФОВ (бортда эркин) – товарни сотиш шарти бўлиб, унга кўра товар нархига унинг қиймати ва товарни кема бортигача етказиб бериш ва юклаш харажатлари киритилади;

ДАФ (чегарагача етказиб бериш) – товарни сотиш шарти бўлиб, унга кўра товар нархига унинг қиймати ва товарни белгиланган жойгача ёки экспорт қилувчи мамлакат чегарасидаги жойгача ёхуд қўшни мамлакат чегарасига етказиб бериш харажатлари киритилади;

Хизматлар (ишлар) экспорти — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари томонидан норезидентларга, иқтисодий географик жойлашувидан қатъи назар, кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар);

Хизматлар (ишлар) импорти — норезидентлар томонидан Ўзбекистон Республикаси резидентларига, иқтисодий географик жойлашувидан қатъи назар, кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар).